

ШАРЛОТТА БРОНТЕ АСАРЛАРИДА БАДИЙ МАҲОРАТ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7352175>

Дарвишова Гулчехра Кенжабаевна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Annotation: *This article describes the creativity in the work of Charlotte Bronte. Artistic skill is the writer's own artistic world; the world of art is the realization of the reality of the writer's imagination through artistic means, subject to the laws of literature. The vivid expression of reality in the imagination of the writer depends on his artistic skill. Only a writer who has mastered the artistic skill can bring his fantasy to life.*

Key words: *skill, artistic image, idea, style, context, express, create, define.*

Ижоддаги энг кичик зарра ҳам бадий маҳоратга муҳтождир. Ёзувчи муайян ғоя асосида тўпланган алоҳида фактларни ўзининг шахсий тажрибаси билан бойитиб, қалб призмасидан ўтказиб, кўпчиликка хос қилиб умумлаштиради. Яъни аниқ ғояга асосланиб, ёзувчи ҳаётдаги воқеликларни саралайди, тўқийди, умумлаштиради, жонли, табиий ва бетакрор, гўзал санъат асарини яратади. Яратган асари ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади, китобхон ўй-хаёлларини ўзига тамоман банд этади.

Адабиётшуносликда бадий олам тўғрисида сўз борар экан, аввало, бадий сўзнинг қай маънода қўлланилиши ва қайси соҳаларда ўрганилиб, тадқиқ этилишига эътибор қаратсак. Луғатларда бадий сўзи бадииятга, нафис санъатга оид, гўзал, ажойиб, воқеликни нафис санъат воситалари, усуллари, образлари орқали ифода этувчи, тасвирловчи, бадийликка тегишли, мансуб, бадий маҳорат, бадий тасвир, бадий тафаккур каби изоҳлар билан келтирилади.

Бадий олам ҳақиқий дунё – макон, замон, психологик ва ахлоқий муҳит каби параметр ва тоифаларга эга. Аммо шу билан бирга, асарнинг бадий олами алоҳида тизим эмас, балки муаллифнинг ички дунёси ва воқелик ўртасидаги муносабатлар натижасидир.

Умуман олганда, бадий олам ўзига хос яхлит ахборот тизими ва бадий маданият феномени сифатида бир қатор коммуникатив объектларга қаратилган. Улар орасида муаллиф асар матни, воқелик, контекст ва китобхоннинг фикрини инобатга олади. Ушбу таркибий қисмларнинг барчаси ўзига хос тизимни ва алоҳида мавжуд тизимларни англатади, улар турли мезонларга кўра, мантиқий, ирсий, интуитив, рамзий, семиотик ахборот ва бошқалар бадий оламнинг ахборот тизими билан ўзаро боғлиқдир.

Ёзувчининг тасаввуридаги воқеликни ёрқин ифодалаш унинг бадий маҳоратига боғлиқ. Бадий маҳорат санъатини мукаммал эгаллаган ёзувчигина ўз тасаввурларини ҳаётга ва жонли воқелантира олади.

Бадий маҳоратнинг моҳиятини тушунишда ана шу ҳақиқатни доимо эсда тутиш лозим. Бадий асарда ҳаёт манзаралари сўз воситасида яратилар экан, бадий тил – бевосита реал фикр ва ҳиссиётнинг образли ифодасидир. Микро образ – ҳар қандай сўз контекстда (бошқа сўзлар билан алоқада) ҳаётга яқинлигини, ўзининг хусусиятини, рангини, ҳидини, оҳангини кўрсата олади. Ёзувчи сўзнинг грамматик, лексик, стилистик маъно кўринишларидан энг зарур ва лозимини контекстга мувофиқ ишлатади, яъни тасвирланаётган ҳаёт (эпизод, образ, характер)нинг моҳиятини чуқур очиб берувчи сўзларни танлайди. Танланган ҳар қандай сўз адабий асарда, албатта, муайян бадий юкни ташиши лозим бўлади. У тасвирланаётган воқеанинг ҳаққонийлиги ва тўлаллигини, қаҳрамоннинг ҳис-

туйғулари, кайфият ва кечинмаларини ўзида мужассам этишига – шу юкни қай даражада кўтарганлигига қараб унинг аҳамияти ва кучини белгилаймиз.

Бадиий маҳорат–ёзувчининг бадиий таланти ўлчовидир. Бадиий маҳорат, бир томондан, реал ҳаётдаги янгиликни кўра билиш ва уни адабиёт воситалари билан тасвирлаш санъати бўлса, иккинчи томондан, санъатнинг сирларини, техникасини, минглаб ҳиссий-тасвирий воситаларни чуқур билишга боғлиқдир. Бу икки томон диалектик алоқада бўлса, узвий бирлашган ҳолда “тасвирлашга ният қилинган қаҳрамонларнинг ҳаётини бутун тўлалиги ва аниқ нукталари билан кўра билишга хизмат қилса, тасвир ўқувчини ҳаяжонга сола билса, ана шундагина ҳаётнинг буюк ҳақиқати ўзининг тугал ва гўзал ифодасини топади.

Бадиий маҳорат ёзувчининг ўзига хос бадиий олами, бадиий асарни яратишдаги санъаткорлигидир. Ижодкорнинг бадиий маҳорати асар тилининг моҳирона берилишида, образ яратишида, бадиий тасвир воситаларидан ўз ўрнида, моҳирона фойдаланишида, асар композициясини тўғри тизимли шакллантиришда яққол намоён бўлади.

Булардан ташқари бадиийликнинг куйидаги 10 та мезони ёзувчининг бадиий маҳоратини аниқлашга ёрдам беради:

1. Гуманизм (инсонпарварлик).
2. Эстетик туйғуни шакллантира олиш.
3. Ҳаётий ҳақиқатга
4. содиқлик.
5. Чуқурмушоҳада.
6. Муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги.
7. Умумлаштириш ва типиклаштириш қобилияти.
8. Бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсидир ғояга хизмат қилиши.
9. Сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаг имаҳорат.
10. Қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши.
11. Асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги

“Жейн Эйр” асарида муаллиф ахлоқий қадриятларга алоҳида урғу беради ва улар қаҳрамонларнинг ҳаракатлари ва баёнотлари, шунингдек, асарда муҳитни тасвирлаш орқали тақдим этилади. Бу ахлоқий қадриятлар шахсий, ижтимоий ва диний мазмунда бўлиб, ҳар бири алоҳида маъно ва мазмунга эга.

1. Шахсий қадриятлар. Индивидуаллик билан боғлиқ бўлиб, инсон ўз-ўзини англаши орқали ҳалоллик, камтарлик, самимийлик, сабр-тоқат, масъулият, интизорлик, ўзини тута билиш, жасорат, пушаймонлик, меҳнатсеварликка эришса, кўркув, нафрат, иккиюзламачилик ва ғазаб орқали маънавий таназзулга юз тутади.

2. Ижтимоий қадриятлар. Инсон атрофидагиларга симпатияси туфайли дўстлик, қариндошлик, садоқат, уйғунлик ва ўзаро ёрдам каби ришталарга асос солади.

3. Диний қадриятлар. Инсоннинг Худога интилиши итоаткорлик, шукроналик, миннатдорчилик ва тавба-тазарруда намоён бўлади.

Шарлотта Бронте асарларида ҳар учала қадриятлар Викториа даври анъаналари билан уйғунлашиб кетади. Ёзувчи асарларидаги образлар динамикаси дастлаб шахсий, кейин ижтимоий ва сўнгра диний қадриятлар асосида тасвирланади. Демак, асарлари учун муаллифнинг ўзи ижтимоий символ-рамз вазифасини бажаради. Бронте ва у яшаган викториа даври адибаларининг асарларини биографик метод асосида таҳлил қилинса, аёлнинг нафақат оиладаги, балки жамиятдаги ўрни тасвири яққол намоён бўлади. Муаллиф асарлари реализм адабиётининг ажралмас қисмини ташкил қилса-да, қаҳрамон ички дунёси,

ўз-ўзини англаши, ҳис-туйғулари ва ҳақиқат ўртасидаги номуносивлик бадиий тарзда моҳирона баён этилган.

Бронте асарларининг индивидуал ўзига хослиги ёзувчи жамиятга ва ўзлигига синчиклаб разм солади, шунинг натижасида асарларида аёлларга хос ҳис-туйғуларни жамият мезонлари билан параллелликда кузатади.

Муаллиф услубининг ўзига хослиги Каррер Белл эркак тахаллуси остида ижод қилган пайтларидаёқ адабий танқидчилар ва китобхонларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлган. Теран нигоҳ билан ижтимоий ҳаёт тасвиридаги энг кичик деталларгача илғай олиш қобилияти сабаб аниқ аёл киши деб тахмин қилинса, билимдонлиги ва зукколиги нуқтаи назаридан, ўша даврда фақат эркакларнинг саводхонлиги назарда тутилиб, нашр қилинган асарлар муаллифи, шубҳасиз, эркак киши деган фикрлар илгари сурилади.

Шарлотта Бронте услуби бадиий тасвирларга бойлиги билан викториан адибаларининг асарларидан фарқ қилади. Ёзувчининг гап қурилишида мураккаб узун гаплар кузатилиб, гап қисмлари икки нуқта, нуқтали вергуллар билан ажратилади. Танланган сўзлар мураккаблиги билан, муаллиф ички дунёсининг ўзига хос қирраларидан далолат беради. Мисол учун, Жейннинг Рочестер биринчи учрашуви қуйидагича тасвирланади: “The incident had occurred and was gone for me: it was an incident of no moment, no romance, no interest in a sense; yet it marked with change one single hour of a monotonous life”. Яъни “Ҳодиса содир бўлди ва бир зумда ўтиб кетди: на бир лаҳзалик, на бир ошиқ-маъшуклик ва на бир кизиқиш бор эди; аммо бу зерикарли ҳаётнинг бир соатини ўзгартириш билан белгиланди”. Мазкур жумланинг мазмунига қарайдиган бўлсак, услубий жиҳатдан такрор “на”нинг ишлатилиши орқали маъно кучайиб, гап охирида Жейн ва Рочестер ҳаётида ҳеч қандай маъно йўқлигини моҳирона очиб беради. Асарда ишлатилган баъзи расмий диалоглар ва қўшма гаплар Виктория даври адабиётига хос бўлса-да, айнан шу сифатлар Жейннинг саводхонлиги ва фалсафий фикрлашини очиб беришга хизмат қилади. Асарда қайта-қайта такрорланган поэтик сифатлар Жейннинг ўй-хаёлга чўмган ҳолатда тасвирлашга урғу беради.

Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр”дан фарқли равишда эркак доминант биринчи романи “Ўқитувчи” тахририят томонидан бир неча марта рад этилади. Биринчи шахс ровийлигига асосланган мазкур роман, ҳикоя қилиш услуби орқали ҳам ёзувчининг субъектив қарашлари сингдирилганлигини кўрсатади. Асар бош қаҳрамони Уильям Гарси эркак бўлса-да, муаллиф ушбу персонаж орқали викториан жамиятидаги аёллар тақдирини, уларнинг ижтимоий мавқеини очиб беради. Сюжет қурилиши содда бўлиб, воқеалар раван тилда баён этилади.

Роман бошида Уильям оддий хизматчи сифатида гавдаланади. Меросдан маҳрум, сушт ва кўрқоқ персонаж сифатида тасвирланади. Шу ўринда адибанинг маҳорат кўлами жамиятдаги аёллар тақдирини эркак қаҳрамон образида очиб беришида аниқланади. Чунки Уильям каби викториан жамиятида аёлларнинг ҳуқуқлари поймол қилинган, на оилада, на жамиятда уларнинг роли, ҳуқуқи ва мажбуриятлари мавжуд эди.

Умуман олганда Шарлотта Бронте ижодида ёзувчи бадиий маҳоратини аниқлашда инсонпарварлик, эстетик туйғуни шакллантира олиш, бадиий деталларнинг аниқлиги, сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши каби бадиийлик мезонлари тадқиқ этилди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YHATI (REFERENCES)

1. Bronte Ch. Jane Eyre. – London: Smith, Elder and Co., Cornhill, Third Edition, 1857. – P. 135.
2. Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: “Академнашр”, 2020. – Б. 40.

3. Journal of Tomsk State University.2015. – № 390. – p.p.11 – 16
4. <https://blog.bookstellyouwhy.com/why-you-should-read-charlotte-bront%C3%ABs-the-professor>